

Ўзбекистон  
«БИРЛИК» халқ  
ҳаракатининг  
хабарномаси

# Бирлик

№ 21  
1990  
АВГУСТ

## «ТУРКИСТОН» ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ БАРЧА ТУРКИСТОНЛИКЛАРГА МУРОЖААТИ

Букун аламзада бюрократия, қуролланган мафия, қудратли айдоқчилик тармоқларига эга бўлган маъмурий-буйруқбозлик тузуми қайта қуриш тарафдорларига қараганда кўпроқ жипслаганлар, чунки уларнинг манфаати миллатлар ва элатларнинг манфаатига зид келиб қолгани аниқ. Алдамчи сиёсат билан иши бўлмаган, ҳақат қора меҳнатни билган, минг азоб билан фарзандларига ҳалол нон топиб едиратган, мудом алданатган фуқаронинг асосий қисми эса ҳали тарқоқмиз. Бундан усталик билан йўлдан оладиган туралар элатларни бир-бирига гиж-гижлаб, қонимизни тўкаётир, оғани бўлган элатларни бир умр юз кўришмас, қон душман қилиб қўймоқчилар.

Олмаота, Фарғона, Қўқон, Душанбе, Паркент фожиялари бутун Туркистон халқини оғриқ тортишга мажбур қилади. Миникса сўнги /балким сўнги эмасдир, хушёр бўлмасак/ Уш ва Ўзганда уқштирилган ақлга сизмас мудҳиш хунрезлик ҳали узок йиллар онгимизга заҳар бўлиб қўйилади, қалбимизга ханжар бўлиб қадалади. Бу фожияларнинг асл сабаби моддий тақчиллик эмас, хатто иқтисодий тенгсизлик ҳам биринчи сабаб эмас. Биринчи сабаб — Туркистоннинг ҳудудий /территориал/ парчаланшидир. Қўш янглиғ яхлит Туркистонни юлдузининг беш қирраси каби бўлиб қўйдилар, сўнгра ҳар қиррани тиг каби бир-бирининг қосдига қўйрадилар. Араларидан қон силқиб турган Отамақонга янги найзаларни ўз қўлимиз билан санчмасликлар учун биз — барча туркистонликлар тезроқ хушимизни йиғиб олишимиз ва бирлашиб шу найзаларга қалқон бўлишимиз, навбатдаги мўлжалланаётган фожияларнинг олдини олишимиз керак.

Туркистон халқининг бирлиги бюрократия ва мафиянинг манъур ниятларини тош қилиши муқаррар. Туркистоннинг тақдирини шу юртин Ватаним деб билган ҳар бир фуқаронинг ўз қўлида ва хушимизда. Қайта қуришни давом эттириш, уни муҳофаза қилиш ҳар бир туркистонликнинг биринчи вазифаси ва вазифасидир. Беш минг йиллик тарихга эга бўлган Туркистоннинг келажғи учун, равиқли учун кураш ҳар бир туркистонликнинг муқаддас бурчидир. Шу мақсадда сал кам бир йиллик сай-ҳаракатлар натижасида 1990 йил 15 июль кунин «Туркистон» халқ ҳаракати тасвир этилди.

«Туркистон» халқ ҳаракати Туркистондаги барча демократик халқ ҳаракатларининг мақсадларини ўй-ғунлаштириш учун курашади. «Туркистон» халқ ҳаракати миллий эминда такрорланиши мумкин бўлган фожияларнинг олдини олиш учун тарихан бир тен, бир жон бўлган Туркистон халқини янада хушёрликка, ҳамжихатликка чақиради.

«Туркистон» халқ ҳаракати туркистонликлар бир-бирларини тезроқ англашлари учун или-фан, адабиёт, ва барча иш юритиш соҳаларида яқин кунлардан эътиборан ягона алифбога ўтишга эришиш, тарихий ҳақиқатлар мисолида туркистонликларнинг қон-қардошлигини кенг тарғиб қилиш, Туркистон тарихи ва тарихий-маданий меросларини яхлит ҳолда ўрганиш, яқин келажакда Туркистоннинг ички чегараларини бекор қилиш, яъни илк даврда Туркистон Федератив Жумҳуриятини тузиш учун курашади. Ҳақат шуидагина туркистонликларнинг ўзаро миллий низоларини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайди. Федератив жумҳурият тузилган тақдирда иқтисодий ва сиёсий бирлик учун, шу билан бирга миллий маданият, тил, урф-одатларнинг дахлсизлиги учун курашади. «Туркистон» халқ ҳаракати Туркистоннинг барча ҳудудиятларида тарихий, сиёсий, миллий, маданий-маърифий, иқтисодий ва экология соҳаларида иш олиб боради. Ҳаракатга милайти, ирқи, жинси, келиб чиқиши, эътиқоди ва яшаб турган жойидан қатъий назар /чет элларде бўлса ҳам/, дастурга хайрихоҳ бўлган, фаолият кўрсатиш истагини билдирган бар-

ча кишилар аъзо бўлишлари мумкин.

Ҳаракат аъзоси бир вақтнинг ўзида мақсадлари зид келмайдиган бошқа халқ ҳаракатлари ва партиялар саъида ҳам фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Туркистон халқларининг тинчлиги ва рўшнолик кўришини истаган, шу йўлда курашга майли бўлган барча ўтирак аъзоларини саъимизга чақирамиз. Бу эзгу мақсад Туркистоннинг энг чекка жойларида ҳам қарор топишини истаёмиз. Эндиги ҳаракат сиё-ларги боғлиқ, аъзолар!

ВАҚТИНЧА МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент ш., Пушкин кўчаси, I-уй.

Баҳром ГОЙИБ — ҳаракат раиси, иш телефони: 33-06-18, 33-13-05.

Сейтбой БАЙДУЛЛАЕВ — раис ўринбосари, уй телефони: 65-05-21.

Иzzатулла ИУРИДИНОВ — раис ўринбосари, уй телефони: 69-48-43, ийиники: 694669

Рауф НАРИИ — нашр бош муҳаррири, уй телефони: 42-61-38.

Кенжа ҚЎЗИЕВ — масъул котиб, иш т.: 33-13-05.

## ЎШДАН ХАБАРЛАР

Ўзган шаҳар халқ кўмитасининг раиси М.Ҳасановнинг айтишича, шунингдек фактларнинг моҳиятига қараганда, Уш ҳамда Ўзганга қилинган босқин мутлоқ рекалантирилган экан.

Қуролли босқинчилар автобусларга келинган. Автобус олдида тош юклаган смосваллар, орқароқда ярадорларни олиб кетиш учун микроавтобуслар, ик машиналари турнақатор бўлиб келинган. Улар пуш келган ўзбекларни тошбўрон қилиб, отиб улдиринган. Совет, Олой деган жойлардан тушган минглаб ақли ноқислар бу ишга аралашган.

Шу йил февралда ўшлик ўзбеклардан ов қуроллари йиғиштириб олинган.

Шу йил май ойида Ўзгандаги маъшиий хизмат комбинатида уч кун давомда соддадил тикувчиларга беш боғичлар тиктирилган. Тикувчилар раҳбарларидан: «Бу нима учун?» деб сўраганида, «Ишларинг бўлисин, иқорининг бўйруғи» деган жавобни олинган. Ўзган ва Ушга босқинчи келган қирғиз халқи вакиллари худди шу беш боғичларни белги сифатида бошларига ва қўлларига боғлаб олишган. Ҳам, бу матоҳини тикишга бўйруқ берган иқори ким? Масалиевми? Жумагуловми? Сиддиқовми? Нега улар /агар шу ишга қўл уришган бўлишса/ ҳалиям ўа кресдоларида жим ўтиришибди?

Олой ноҳияси партия кўмитаси котиби ва ушга ўхшаган 40 та одам киноятни уштиришда қатнашганлар сифатида қамолқа олинган. Райком котиби ўзқин олиб кетаётган машина қўприк устидан ўтаётганида сувга сакраган, аммо яна қайта ҳибсга олинган.

Қирғизистон компартияси раҳбари ва Министрлар Кенгашининг вазири Масалиев ҳамда Жумагуловлар фожиа юз берган жойга ронна-роса 15 кундан кейин келдилар. Ўзганда бўлиб ўтган фаоллар мажлисида Масалиев айб қирғиз халқига мансуб ақли ноқислардан ўтганини таън олиб, кечирим сўраган бўлди. Ўзбекларга қарши қирғизини наша чекканлар, арқидўрлар уқштирдилар, дегандай гапирди. Аммо Ўзган шаҳар халқ кўмитасининг раиси М.Ҳасанов унинг гапини рақ қилди. Бу ишда таҳсан МАСАЛИЕВНИНГ ва ЖУМАГУЛОВНИНГ ҚЎЛИ ГОРЛИНИНГ исеботлаб берди. Аллақачон собиқ деган ном олиши керак бўлган раҳбарларнинг дечай сукўт сақлашди. СУКЎТ-РИЗОНИК АЛОМАТИ!

*4 октября 2016 года Минюст РФ внес Международный Мемориал в реестр «некоммерческих организаций, выполняющих функцию иностранного агента». Мы обжалуем это решение в суде.*

Библиотека Международного Мемориала